

# O'ZBEKISTON

# OVOZI

IJTIMOIIY-  
SIYOSIIY  
GAZETA



• 2005-yil • 8-sentabr • Payshanba • 115 (27.450) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.



## «ШАРҚ» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзтемирйўл» ошқоқ акциядорлик жамияти байрам руҳи, қувончлари давом этаётган шу кунларда йўловчиларга ажойиб тўхфа ҳозирлашди. Шу йилнинг 5 сентябридан «Тошкент — Бухоро» тезюрар

поезди йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. Энди Тошкентдан чиққан йўловчилар қадим ва гўзал Бухоро шаҳрига саккиз соат ичида етиб боришади. Тезюрар поездининг замонавий вагонлари бир йўла тўрт юз эллик нафар йўловчига хизмат кўрсатиши имконига эга.

Хуллас, «Шарқ» йўлга чиқди. Унинг биринчи қатнови ўзига хос байрам... Эро, у мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллик шодиданларига жуда ярашган янгилик бўлди.

**Суратларда:** 1-тоифали машинист Олимжон Розиков ёрдамчиси Баҳодир Иноғомов билан; тезюрар поездининг дастлабки йўловчилари.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

## Фармон ва ижро

Пойтахтимизнинг муҳташам қонақларидан бири «Туркистон» саройи байрамона безатилган. Бу ерга тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган олимлар, отаналар, шаҳар жамоатчилиги, Тошкент тиббиёт академиясининг илк талабаси бўлган Ёшлар ташриф буюрган. Улар юзларидаги табассум, кўзларидаги қувонч ва эғнидаги оппоқ либосларни кўриб, беихтиёр қувониб кетасан, киши. Уларнинг барчаси Тошкент тиббиёт академиясининг ташкил этилиши ва «Талабалар бағишлов» номи қатта тантананинг йиғилиши.

риш ва сифатини ошириш, ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган зарур ўқув ва моддий-техника ба-

лари негизда Тошкент тиббиёт академиясининг ташкил этилиши муҳим тарихий аҳамият касоб этди.

...Тадбирни тиббиёт академияси ректори, академик Шавкат Каримов кириш сўзи билан ларини тайёрлаш борасида амалга оширилётган ишлар, ёшларга яратилган шарт-шароитлар хусусида тўхталишди.

## «МЕН ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТАЛАБАСИМАН!»

АНА ШУНДАЙ ШАРАФЛИ НОМГА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАРНИ ТАНТАНАЛИ ҚУТЛОВ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ



мустақил Ўзбекистон талабасининг тантанали қасамёдини қабул қилдилар.

— Ҳозир қувончим чексиз. Чунки мен Тошкент тиббиёт академиясида тахсил олиш бахтига муяссар бўлдим, — дейди талабаси Ойбек Уринов. — Бунинг ўзига хос маъсуляти бор. Академия талабаси, битирувчиси, келгусида эса шифокор бўлиш, фидойилик кўрсатиш, меҳнат қилиш барчамизга насиб этсин.

засини яратиш, илгор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида ўқиш жараёнини янги мазмун билан бойитиш, бўлгуси мутахассисларнинг таълими улар томонидан аниқ даволаш амалиёти малакаларини эгаллаш билан чамбарчас боғлаб олиб борилиши таъминлаш мақсадида» Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институт-

очар экан, ушбу нуфузли даргоҳнинг илк талабалари бўлган ёшларга омадлар тилади. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Абдуҳаким Ҳожибоев ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда малакали тиббиёт кадр-

Ха, ишончимиз комилки, келажакда Тошкент тиббиёт академиясини битириб чиққан етук малакали кадрлар жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда муносиб хизмат қиладилар.

**Маъмуржон МАХМУД,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири

Суратларда: тантанадан  
лаҳзалар.



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

## Анжуман

### ТАБИАТНИ АСРАШ — ИНСОННИ АСРАШДИР

Кеча Миллий матбуот марказида «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар» мавзисида анжуман бўлиб ўтди. Бу тадбир Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Жаҳон банки, Глобал экологик жамғармаси томонидан ташкил этилди.



1994 йилда Глобал экологик жамғарма қарши Тошкент биохимия-хиллигини асраш бўйича лойиҳани қўллаб-қувватлаб, бунга Жаҳон банки 10.15 миллион доллар маблағ ажратган эди. Эндилкида ушбу ҳудуд биохимия-хиллигини асраш бўйича 4 та қўриқхона фаолият юритмоқда. Улар: Чоққол (Ўзбекистон), Саричелак, Бешорол (Қирғизистон), Оқсу-Жобогли (Қозғоғистон) қўриқхоналаридир. Анжуманда сўзга чиққанлар бу ҳудудларда бошқа бирорта жойда учрамайдиган наботот ва ҳайвонот турлари сақлаб қолинганлигини ало-

Жондор туманида «Саломатлик-2» дастури доирасида қатор ибратли ишлар қилинмоқда. Мамлакатимиз Муста-

## «ОБОД» — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

қиллигининг 14 йиллиги арафасида «Истиқлол» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Мирзаён кишлоғи аҳолисининг қувончи чексиз. Бунинг боиси шуки, бу сўлим гўшда шинамгина кишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Мазкур тиббий маскан 75 уринга мўлжалланган бўлиб, унинг қурилишига 80 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шифо масканининг номи ҳам шу кунга мос — «Обод» кишлоқ врачлик пункти.

**Даврон БАҲРОНОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири

ҳида таъкидладилар. Булар «Қизил қитобга» кирган қор қоллони, архар, ҳимояли ситги, оқ тирноқли айик, Туркистон мушуги сингари камёб ҳайвонлардир.

Ушбу анжуманда қўриқхоналарни сақлаш ишларига биринчи навбатда маҳаллий аҳолини жалб этиш, тегишли маълумот ва билимлар билан таъминлаш, эко-туризмни ривожлантириш зарур, деб топилди. Шунингдек, махсус адабиётлар ҳамда турли нашрлар чоп этиш, ҳудуд ҳақида видеотасмалар яратиш кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**Бордамбек САЪДУЛЛАЕВ**

А.Набиев ишчи гуруҳ аъзоларига Андижон воқеаларини текшириш ишларининг бориши, шу пайтгача аниқланган далиллар, воқеалар ташкилотчилари ва уларнинг халқроқ террорчилик гуруҳлари билан алоқалари тўғрисида сўзлаб берди.

А.Набиев ўтказилган текширув давомида Андижон шаҳрида амалга оширилган тер-

## ГУРУР

Эгасиз ва оёқсиз йўлмас ўзбек,  
Хоҳлаган сув оладиган қўлмас ўзбек,  
Донг таратган ва ўзига қаратган эл —  
Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмас ўзбек.  
Ватангадо юртфурӯшлар англамаслар,  
Олтиндай соф ҳикматлар ҳеч зангласлар,  
Она ҳамда ватанини-ку танламаслар,  
Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмас ўзбек.  
Борган жойини обод қилган Бобурлари,  
Мазмуларини озод қилган Темурулари,  
Тийишондан баландроқдир гурурулари,  
Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмас ўзбек.  
Тиғи сишиб, неча ёлар гангиб кетган,  
Бир зарб билан тўзон бўлиб чангиб кетган,  
Ё дўст бўлиб, эл ичига сингиб кетган,  
Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмас ўзбек.  
Ўғил-қизини шиддати-ю шайтини кўр,  
Рустамжоннинг рақибига «кишит»ини кўр,  
Кўргинг келса, андижонча муштини кўр,  
Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмас ўзбек.  
Яратгандан бошқасига қўлмас ўзбек,  
Ҳеч қачон кам бўлмаган, кам бўлмас ўзбек,  
Тийишондан юксакроқдир гурурулари,  
Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмас ўзбек!

## ЎЗБЕКISTON ХОРИЖ МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллик айёми кенг нишонлангани муносабати билан мамлакатимиз чет эл оммавий ахборот воситалари нигоҳини яна бир бор ўзига жалб этди.

Хориж матбуоти саҳифаларида чоп этилган мамлакатимизга оид мақолаларнинг асариятида Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўз тараққиёт моделини ҳаётга ижро қилиб, халқаро ҳамжамиятнинг нуфузли аъзосига айлангани, давлат суверенитетини мустаҳкамлаш ва кенг қамровли иқтисодий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда салмоқли ютуқларга эришгани кенг эътироф этилган.

Чунончи, мамлакатимиз мустақиллиги қуни арафасида Корея Республикасининг етакчи матбуот нашрларидан бири — «The Korea Post» журналида «Ўзбекистон очик эшиклар сийбати боис ишончли савдо-иқтисодий шерик мавқега эга бўлди» номи умумий сарлавҳа остида кўп саҳифали шарҳ эълон қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ўзбек давлатчилигига асос солишда, тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашдаги асосий ролини ҳаётга ижро қилишдаги асосий қисмига эга бўлди, «Ислам Каримов фақат галаба учунгина голлиб бўлишга интилмади. Кам аҳамиятли ва иккинчи даражали масалаларда у муроса қилишга қодир, аммо муҳим ва долзарб муаммоларга келганда Президент, ўз мустақам иродаси ва мантқиқий тафаккури туфайли, муросасиз ва қатъиятли бўлишга тайёр. Ўзбекистон Президентининг ўзига ишончи унинг стратегик фикрлаш, давр талабини чуқур англаш ҳамда муаммоларни атрофича ва синчиклаб ўрганиш қобилиятига асосланган. Буларнинг барчаси навқирон давлат қиёфасини тубдан ўзгартиришга асос бўлди, жамиятни иқтисодий ва сиёсий демократиялаштириш жараёнига жадал туртки берди».

«The Korea Post» журналининг таъкидлашича, иқтисодий тараққиётнинг ўзбек моделини муваффақиятли амалга ошириш Ўзбекистонга қисқа давр ичида салмоқли натижаларни қўлга киритиш ва эркин бозор муносабатларига сиқилаларсиз ўтишга имконият яратди. Бу эса ўз навбатида иқтисодий қўсаткичларда яққол намоён бўлмоқда: «2004 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми мустақиллик йиллари учун рекорд бўлган 7,7 фоизга ўсди. Республика ташқи товар айирбошлаш ҳажми 29,6 фоизга, экспорт 30,3 фоизга ҳамда импорт 28,7 фоизга ортди».

Журнал эътирофига кўра, ўтган йили мамлакатда 425 минг янги ишчи ўринларининг яратилгани ва кичик бизнес қорхоналарининг сони 14 фоизга ортгани Ўзбекистон танлаган йўлининг тўғрилиги ҳамда иқтисодий-иқтисодий ислохотларнинг муқаррарлигидан далolat берувчи яна бир муҳим кўрсаткичдир.

Япониянинг «The Japan Times» газетаси «Ўзбекистон танланган йўлдан оғишмайди» сарлавҳали мақолада муштарийлар эътиборини Ўзбекистоннинг юксалиб бораётган геосийсий роли, минтақада тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашга йўналтирилган сий-ҳаракатларига жалб этди. Газетанинг фикрича, бу Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида илгари сурган қатор ташаббусларида яққол ифодасини топмоқда. ШХТнинг минтақавий аксилтерор тузилмаси ижроия қўмитаси ва бошқа муҳим механизмлари айнан Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотдаги раислиги даврида таъсис этилгани бежиз эмас, деб ҳулоса қилади газета.

**Мардон ЁҚУБОВ**  
«Жаҳон» АА

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI BOШ ПРОКУРАТУРАСИДА УЧРАШУВ

7 сентябрь кунин олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Ўзбекистон ҳукумати Андижон шаҳри ва вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А.Набиев билан учрашди.

А.Набиев ишчи гуруҳ аъзоларига Андижон воқеаларини текшириш ишларининг бориши, шу пайтгача аниқланган далиллар, воқеалар ташкилотчилари ва уларнинг халқроқ террорчилик гуруҳлари билан алоқалари тўғрисида сўзлаб берди.

Ишчи гуруҳ аъзоларига содир этилган жиноятларда ўта фаол иштирок этган 15 нафар шахсга оид тергов материаллари яқин вақт ичида Олий судга топширилиши ва тергов давомида аниқланган барча далиллар миллий қонунчилик доирасида кўриб чиқилиши маълум қилинди.

А.Набиев ўтказилган текширув давомида Андижон шаҳрида амалга оширилган тер-

тинч аҳоли орасида вазиятни кескинлаштириш, халқаро ҳамжамиятда гўёки, тинч намоишчилар ўққа тутилгани ҳақидаги таассуротни шакллантириш мақсадида далилларни атайлаб бузиб қўсатгани таъкидланди.

Айни пайтда ушбу оммавий ахборот воситалари материалларида босқинчилар тўдасининг қурол-аслаҳаларини эгаллаши ва одамларни гаровга олиши, қамқорхонадан жиноятчиларни чиқариб юбориши, Андижон шаҳридаги маъмурий биноларга ҳужум қилиши билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги факт ва маълумотлар келтирилмаган.

А.Набиев барча тергов материаллари суд жараёни давомида ва у тугагандан сўнг эълон қилинишини маълум қилди.

Шу билан бирга, учрашув иштирокчилари эътиборига Андижон воқеаларининг бево-сита ташкилотчиларининг жиноятқорона ниятларини очиб бериши видео ҳамда бошқа кўргазмалли материаллар ҳавола этилди.

Хорижий дипломатлар берган саволларга ҳам батафсил жавоб қайтарилди.

(ЎЗА)

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
MULK DORGA HANKORI  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz  
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON XAVO YO'LLARI  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

**ALQABANK —**  
aniq, tez, ishonchli  
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-87; Faks: 152-78-04  
WWW.alqabank.uz E-mail: info@alqabank.uz  
Хизматлар лицензияланган



Муносабат

# ИНСОН ҲИМОЯСИ — ТАРАҚҚИЁТ БЕЛГИСИ

XX аср ўрталаридан бошлаб инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўлган эътибор халқро ва давлатлараро муносабатларда долзарб масалага айланган. Бу даврга келиб халқаро Конвенция ва Пактлар асосида инсон ҳуқуқларининг жаҳондаги ахлит ҳуқуқий тизими юзага келди. Ҳар бир инсон миллати, irqи, жинси, диний эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, шахсий дахлсизлиги, айбсизлик презумпцияси ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликка БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» эди. Ушандаёқ мустақил Ўзбекистон қандай жамият қуришни релашлаштиригани аён бўлган. Шундан кейин мамлакатимизда кўп халқаро ҳужжатларга — иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича конвенция, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича, шунингдек, барча шаклдаги ирқий камситилар, болалар ҳуқуқи, кўнрақ ва бошқа байрими соний муносабат ёки жазоларга қарши халқаро конвенцияларга қўшилди. Қолаверса, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» ва бошқа халқаро меъёрлар Конституцияда ҳам ўз ифодасини топди.

Истиқбол даврида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми сифатида қаралиб, мазкур тизимни тақомиллаштиришга жиддий эътибор берилди. Жумладан, Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари орасида парламент доирасида Омбудсман лавозимини таъсис этган биринчи давлатдир. 1996 йили эса Республика ҳуқуқати томонидан инсон ҳуқуқлари Миллий маркази ташкил этилди. Мазкур тузилмалардан ташқари бугунги кунда инсон ҳуқуқлари билан шуғулланган мустақил ҳодовлат ва жамоат ташкилотлари ҳам кенг қўламада фаолият кўрсатиб келаяптир.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони билан суд-ҳуқуқ тизимида олиб бориладиган ислохотлар манфиқий натижаси, деб таърифлаш мумкин.

Яқин ўтмишда, аниқроғи собиқ совет даврида ўлим жазосини тайинлаш оддий ҳолга айланиб қолганлиги, айниқса, 1930-1940 йиллар оралиғида судсиз-сўроқсиз қатл этишлар авж олганидан кўпчилик хабардор. Оқибатда миллати ва ватанини жонидан ортиқ севган минглаб ватандошларимиз «қизил террор»нинг беғуноҳ қурбонларига айланган.

Тарихнинг аччиқ сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб олган инсоният эндиликда яшаш ҳуқуқи бебаҳо қадрият эканини англаб, жаҳон миқёсида бу муаммони ижобий ҳал этишга чоғланган. Тараққиёт сари юзланган барча мамлакатлар ўлим жазосини бекор қилишга интилоқда. Бугунги кунга келиб 67 мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинган. Яна 14 мамлакатда бу жазо, гарчи жиноят кодексларида бўлса-да, амалда қўлланмайдими. Кисса фурсат ичида, яъни XX асрнинг 90-йилларида Оснэ, Европа, Африка ва Америкадаги 25 давлатда ўлим жазосини бекор қилишди. «Халқаро амният» ташкилоти ҳужжатларида қайд этилишича, ўтган аср сўнгги йилларида дунёнинг 40 та мамлакатда ўлим жазоси тайинланган. Мазкур жазоси қўлланишда сон жиҳатидан Хитой, Эрон, Саудия Арабистони ва АКШ «етақчилик» қилаётди.

Халқаро тажрибалардан аён бўлишича, ўлим жазосини қўллаш билан жиноятчиликнинг олдини олиб бўлмас экан. Масалан, Канадада 1975 йили юз миң одамга уч нафар одам ўлдириш жинояти тўғри келган бўлса, ўлим жазоси бекор қилингандан сўнг бу рақам иккига тушган. Қолаверса, суд ҳатоси туфайли ўлим жазоси тайинланган. Бу фактлар ҳам ўлим жазосини жазо туридан чиқариб ташлаш зарурлигини далиллар турибди. Демак, ўлим жазоси инсон ҳуқуқ-ахлоқиға ўта зид ва мақсадга мувофиқ бўлмаган чорадир.

Таъкидлаш жоизки, ўлим жазосини бекор қилиш, биринчи гада, халқаро ҳуқуқ принциплари ва меъёрларини миллий қонунчилигимизда қўлланишга кенг йўл очди.

Абдумўмин ҚУЛТЎРАЕВ



## КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛМАЙДИ

Россия президенти Владимир Путин учинчи бор президентлик сайланиш учун мамлакат конституциясига ўзгаришлар киритилмаслигини маълум қилди.

Кремлда хорижий журналистлар ва сиёсатчилар олдида сўзлаган Путин Россияга барқарорлик кераклигини, конституцияни ўзгаришмаслик ҳам барқарорликка хизмат қилишини айтиб ўтди.

Владимир Путин бир неча марта 2008 йилда президентлик лавозимини топширишини маълум қилган. Бироқ Россияда Путин тарафдорлари президентлик ваколатини узайтириш имконини топширади деган миш-мишлар тобора кучаймоқда.

Жамоатчилик фикри ўрганилганда 60 фоиздан ортиқроқ россияликлар 2008 йилдан кейин ҳам Путинни президент бўлиб қолишига тарафдор эканлиги маълум бўлди.

## ИСЛОҲОТЛАР ЗАРУР

БМТ фаолиятини текшириш билан шуғулланган мустақил комиссия ҳисоботида «Бундан кейин БМТда «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастури борасида чиққан жанжал каби тушунмовчиликлар тақрирланмаслиги учун ташкилот доирасида жиддий ислохотларни амалга ошириш зарур», — деб таъкидланган.

Жанжал БМТ хизматчилари коррупцияда айблангандан кейин бошланганди. Комиссия ўз ҳисоботида БМТ 64 миллиардлик бюджетга эга бўлган дастури бошқаришга тайёр бўлмаганлигини қайд этган.

1990 йиллар мобайлида БМТ Ироқ аҳолисига озиқ-овқат етказиб бериш эвазига мамлакатда ишлаб чиқарилган нефтни сотиш ҳуқуқига эга эди. Ушунда Ироққа қарши киритилган санкциялар туфайли мамлакат нефтини мустақил равишда сотиш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Мустақил комиссия БМТ вакиллари Ироқ аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш дастури самарасиз ўтказган, деган хулосага келди. Дастурда иштирок этган БМТнинг баъзи хизматчилари коррупцияда айбланмоқда.

— Менимча, ҳисоботда бундай танқидий фикрлар ҳали кўп бўлади. Биздан «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастурини амалга оширишни сўрашган эди. Очигини айтганда, унда умуман иштирок этмаганимиз маъқул эди, — деди БМТ бош қотиби Кофи Аннан.

## СОБИҚ БОШ ВАЗИР ҲИБСДА

Қирғизистон бош прокуратураси мамлакатнинг собиқ бош вазирини Николай Танаевни ҳибсга олди. Бу ҳақда Танаевнинг адвокати Максим Максимович хабар берди.

Адвокатнинг сўзларига қараганда, Танаев Олма-отага бормоқчи бўлган. «Уни чегарада қўлга олиб, бош прокуратура биносига келтиришди», — деди Максим Максимович.

Собиқ раҳбар аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш фонднинг 1 миллион долларга яқин пулини ўғли бошчилик қилаётган қурилиш компанияси ҳисобига ўтказиб юборганлигида айбланмоқда.

Танаев собиқ президент Аскар Акаев даврида бош вазири лавозимини эгаллаган ва 2005 йилнинг 24 мартда истеъфо берган эди.



Владимир Путин



Николай Танаев

## Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Жиззах вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

2006 йилда Жиззах вилоятида янги қуриладиган ва КАПИТАЛ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИГАН МАКТАБЛАР

№	Объект номи	Бошланғич қурилиш қиймати (млн. сўм)
ЛОТ 11-1	Арнасой тумани «Галаба» хўжалигидаги 250 ўринли 13-сонли мактаб	241,420
ЛОТ 11-2	Бахмал тумани Сартюзи қишлоғидаги 220 ўринли 15-сонли мактаб	217,756
ЛОТ 11-3	Пахтакор тумани «Самарқанд» хўжалигидаги 360 ўринли 17-сонли мактаб	226,161
ЛОТ 11-4	Мирзачўл тумани «Тошкент» хўжалигидаги 240 ўринли 13-сонли мактаб	214,123
ЛОТ-11-5	Фориш тумани Юқори Ухум қишлоғидаги 160 ўринли 49-сонли мактаб	152,142

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 1.08.2006 йил.

Буюртмачи манзили: **Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефонлар: (8372) 222-31-59, 222-30-11.**

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маб-

лағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консал-

тинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.**

Бир тўлган танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик миң) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охири мuddати — оферталар очилиш кунини соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 (уттиз) кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

# АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 2005 йил 26 августда Р 00 21-12 рақам билан рўйхатга олинган янги муомалага чиқарилаётган акцияларнинг 12-эмиссия рисоласини эълон қилади.

**ЧИҚАРИЛАЁТГАН АКЦИЯЛАРНИНГ МУОМАЛАГА КИРИТИЛИШ ШАРТЛАРИ**  
чиқарилган қимматли қозғалар тури ва шакли: нақдсиз эгаси ёзилган оддий ва нақдсиз эгаси ёзилган имтиёзли акция;

чиқарилаётган акциялар сони: 15 000 000 дона, шу жумладан:

- ◆ эгаси ёзилган оддий акция — 14 400 000 дона;
- ◆ эгаси ёзилган имтиёзли акция — 600 000 дона;
- ◆ бир дона акциянинг номинал қиймати: 100 сўм;
- ◆ чиқаришнинг умумий ҳажми: 1 500 000 000 (Бир миллиард беш юз миллион) сўм.

**ЧИҚАРИЛАДИГАН ҲАР БИР АКЦИЯ БERAДИГАН ҲУҚУҚЛАР**

банкнинг оддий номли акциялари эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ◆ банк акциядорлари реестрига кириштириш;
- ◆ банк акциядорлари реестридан ўзига тегишли кўчирма олиш;
- ◆ банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан молия йили натижалари бўйича белгиланган миқдорда дивиденд олиш;
- ◆ олинган дивидендлардан эркин равишда фойдаланиш;
- ◆ банкнинг бошқарув органларидаги масалалар юзасидан зарур ахборотни олиш;
- ◆ бир дона оддий акция — бир овоздан иборат эканлигини ҳисобга олган ҳолда барча қурилатган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан банк акциядорлари умумий йиғилишида иштирок этиш;
- ◆ банк тугатилган тақдирда белгиланган тартибда акциядорга тегишли банк акциялари суммасига мутаносиб ҳолда банк мулкнинг бир қисминини олиш;
- ◆ банк томонидан кўрсатилган хизматлар ва уларнинг тарифи тўғрисида ахборот олиш;
- ◆ банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида унинг Уставига мувофиқ тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;
- ◆ қимматли қозғалар бозорини бошқариш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ◆ қимматли қозғаларни харид қилиш чоғида эҳтимоли бор зарарлар ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиши билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш.

Банкнинг имтиёзли номли акциялари эгаларига дивидендларни, шунингдек акциядорлик жамияти тугатилганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини беради; акцияларни жойлаштириш усули: очик обуна орқали.

**АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказидан рўйхатдан ўтгандан сўнг бир йил муддатда жойлаштирилади. Банк томонидан қонун ҳужжатлари мувофиқ барча манфаатдор шахсларга эмиссия рисоласи билан танишиш тартиби кўрсатилган ҳолда эмиссия рисоласи матбуотда эълон қилингандан сўнг икки ҳафтадан кам бўлмаган муддатдан кейин жойлаштирилади. Шунингдек, икки ҳафталик муддат матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Акциялар чиқарилишини жойлаштириш санаси: акциялар чиқарилишини давлат рўйхатига олиналган тўғрисида эълон қилингандан сўнг ўн бешинчи кун. Агар жойлаштириш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, жойлаштириш санаси ушбу кунлардан кейин биринчи иш кунига ўтказилади.

Банк томонидан акциялар жойлаштирилиши амалдаги қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган олди-сотди шартномалари асосида амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштиришнинг тахминий баҳоси: 100 сўм;

Акциялар бўйича тўловлар тартиби ва шартлари, шу жумладан ҳисоб-китоблар шакли, акция тўловлари учун маблағлар ўтказилган ҳисоб рақамлар:

- ◆ юридик шахслар учун сотиб олинган акциялар қиймати банк акцияларининг олди-сотди шартномаси тузилган санадан бошлаб 5 (беш) банк иш кунини мобайнида тўлиқ тўлаш кўзда тутилган (тўлов шакли нақдсиз);
- ◆ жисмоний шахслар учун сотиб олинган акция қийматининг 100 фоизлик бир йўла тўлови (тўлов шакли нақдсиз);
- ◆ акциялар учун маблағлар мазкур эмиссия рисоласи рўйхатдан ўтказилганга қадар «29830-Акциялар учун аъзолик бадалларини тўлаш бўйича депозитлар» баланс ҳисобварағига, эмиссия рисоласи рўйхатдан ўтказилгандан сўнг «30315-чиқарилаган акциядорлик капитал-имтиёзли» ёки «30318-чиқарилаган акциядорлик капитал-оддий» баланс ҳисобварағига қабул қилинади.

Акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилган орган ва қарор қабул қилинган сана: АТ «Алоқабанк» акциядорларининг умумий йиғилишининг 2005 йил 18 майдаги 6-сонли қарори;

Банк уставида акциялар эмиссияси бўйича белгиланган турли чеклашлар ҳамда жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишни мумкин бўлганларга нисбатан чекланишлар: банкнинг Устав қанталда бир акциядорнинг улуши қонунчилик билан белгиланган меъёрдан ортиб кетмаслиги лозим;

Инвесторнинг сотиб олинган акциялар бўйича олган даромадини солиққа тортиш: акциядорларга акциялар учун ҳисобланган даромадлар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Қимматли қозғаларга эгалик ҳуқуқларини ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан банкнинг қимматли қозғалар эгалари реестрини олиб бориш Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 2005 йил 4 июлда 1099 ва 1100-рақамли амал қилиш мuddати 2010 йил 4 июлга қадар бўлган, лицензия берилган ижтисолашган депозитарий ва реестр юритувчи «Kapital-Deposit» МЧЖ томонидан амалга оширилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 133-24-58, 133-05-96.

Қимматли қозғалар эмиссия рисоласининг асли ва кўчирма нуسخалари билан танишиш тартиби ва жойи: Тошкент шаҳри, Толстой кўчаси, 1-уй. АТ «Алоқабанк» Амалиёт бошқармаси.

Қимматли қозғалар сотиладиган асосий жойлар: банк акциялари АТ «Алоқабанк»нинг бош офиси, барча филиаллари ва Амалиёт бошқармаси томонидан жойлаштирилади.

АТ «АЛОҚАБАНК» МАЪМУРИЯТИ

# ЧЕМПИОННИНГ ҚИСЛАТИ

гумонлар айтилди, ёзма равишда тақдим этилди. Хусусан, воқеадан сўнг қўрилган М.Мадррахимова ва М.Тошпулатова марҳумнинг турмуш ўртоғи Дилқорфўз Хайдаровдан «Зимини икки қиши уйга келтириб ташлаб кетиб қолди, эрим эрим соат ичда ўлиб қолди» деган гапни эшитганини тушунириш хати орқали маълум қилган. Қўшни Ли Светлана эса марҳумнинг хотини унга «Хусниддиннинг номаълум кишилар ҳусисиз ҳолда ташлаб кетди» деб айтганлигини ёзган. Лекин терговчи бу гапларга негадир ойдинлик киритмаган, келиннинг гапи турли хил чиқётганлиғига эътибор қаратмади. Ваҳоланки, у биринчидан, ёлғиз гувоҳ. Иккинчидан, келиннинг гувоҳликлари, ўзини осди деб кўрсатилган ҳолатлар мантйққа тўғри келмайди, ишонсиз. Учунчидан, қўшнларнинг тушунириш хатлари бу ишдаги сирли пардани бироз кўтариши мумкин.

қилинмади. Хали асос бўлмай туриб, терговчининг қотиллик аломатлари мавжуд эмас, деган хулосага келишичи, процессуал ҳаракатлари тўла баҳармай ўз қарорини жабрланувчилардан яшириб, улар ҳуқуқини камситишни қандай изохлаш мумкин? Ушбу қарордан (кейинчалик ушбу қарор бекор қилиниб, қўшимча тергов ҳаракатлари олиб бориш топширилган экан) жабрланувчилар Аскар Одиловнинг яна жиноят иши қўзғатиш рад қилинган ҳақдаги 28 март санаси билан келган хати орқали хабардор бўлишди. Қизғин, ўзини-ўзи осиб юзасига деб қаралаётган камар негадир криминалистик экспертизадан ўтказилмаган. Унда бирор бир излар, толарлар, микроэлементлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас эди.

**Юсуф ИБРАГИМОВ, адвокат:** — Биринчидан, суд тиббиёт экспертизасининг баёнот қисмида қайд этилган странгуляция эгат шубҳали бўлиб, у фотосурат билан мустаҳкамланган ва экспертиза ўтказилгандан кейин оналар томонидан олинган суратдаги хомлапта тўғри келмайди.

Иккинчидан, милиция камари эксперт айтиганидай ўлимга сабабчи бўлган, у ҳолда у текис ва давомли странгуляция эгат ҳосил қилиш шарт. Марҳумнинг қариндошлари олган суратларда бундай ва бунга ўхшаш эгат кўринмайди. Тергов материалларида эса нимагадир воқеа жойи

ва жасад жароҳатларини акс эттирувчи видеотасвир ҳам, суратлар ҳам йўқ. Улар экспертга ҳам тақдим қилинмаган ва бирорта далолатномада ҳам акс этган эмас. Бу эса бундай фотосурат ва видеотасма қилинган эмас, деган хулосани беради.

**Учинчидан,** бўйин қисмида аниқланган 5 та уюқчи қонталашмаларнинг келиб чиқиши экспертиза хулосасида негадир қайд этилмаган. Бу жароҳат бармоқ излари ёки уюқчи жароҳатини етказишга мўлжалланган предмет билан етказилиши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳамда ушбу жароҳатлар марҳум ўлимига ало-

монлама ва чуқур аниқлиниб, улар бўйича муайян жавоблар олиниши ва улар йиғиндисига асосан қонуний қарор қабул қилиш лозим. Лекин нимагадир прокуратура терговчини қайд этилган қонун талабига риоя этмаган кўринади. Натижада, Хусниддиннинг ўлими сирлигича қолмоқда.

Дарҳақиқат, милиция катта лейтенанти, 28 йил навқирон йигит Хусниддин Ходиевнинг сирли ўлими уни таниган-билганларнинг турлича гумонларига ҳақли саволларига сабаб бўлмоқда. Агар тергов ҳаракатлари синчковлик билан ҳар томонлама, тўла олиб бориладиган турли шубҳаю тахминларга ўрин қолмасди албатта.

Хусниддиннинг отаси Сайфуддин Ходиев тергов юзаки олиб борилди, деб ҳисобламоқда. Милиция офицери, машҳур спортчи, чемпион қолаверса бир инсон ўлимига нахот шунчалик эътиборсиз қарашади деб қуйинмоқда у. Уй, ташвиш, алам ва изтироб дунёнинг энг кучли, донгдор полновларидан ҳисобланган Сайфуддин Ходиев қаддини букиб қўйди. У инфаркт-микартга учради. Бу одамни бир нарсга қийнамоқда. У бировини айбдор қилишни эмас, фақат адолатни, ҳар томонлама чуқур текширув олиб борилиб, асосли қарор қабул қилинишини хоҳлайди. «Нафақат ота, балки ҳуқуқшунос сифатида юрагимда армон қолмасин» дейди у.

Сайфуддин аканинг тахририга тақдим қилган марҳум бўйиндаги жароҳатларини акс эттирувчи фотосуратларга қараб, чемпион кучли, бақувват қўлар билан бўғилмадикини, деган савол хаблга келади. Бўйиндаги 5 та алоҳида-алоҳида қонталашма излар шундан далолат бераётгандай туюлади. Биз қотиллик аломатлари борлигини эслатувчи баъзи ҳолат ва фактларни қаламга олдик, ҳолос. Қўлимизда эса қотилликка ишора қилувчи шубҳа-гумонни оширадиган ҳолатлар етарли.

Хуллас, саволлар, шубҳалар, гумонлар, версиялар оз эмас. Тегишли ҳуқуқ-тартиб идораларини юқоридаги савол ва далиллар бекфар қолдирмайди деб ўйлаймиз.

**Ақбар ЖОНУЗОҚОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири

Биз билган ва билмаган тарих



ди. Сунгра бу бек ҳам Рукьяни никоҳига олади: «Ушбу фатратта Рукья Султонбегим Жонибек Султонга тушуб бирикки ўғли бўлди, турмади. Бу фурсатларда хабар келдиким, тенгри раҳматига борибтур».

БОБУРНИНГ ДИПЛОМАТИК МАҲОРАТИ

Амир Темур салтанати даврида ҳам, Бобурнинг отаси Умаршайх милод давлатчилигида ҳам мўғулларнинг расм-рўйи, одатлари давлат бошқаруви ва расмий дипломатик муносабатларда маълум ўрин тутган.

лика ва хонзодалар, йирик бекларнинг хотинлари ҳам муҳим роль уйнаган. Ана шундай маликалардан бири Бобурнинг хонизаси, Юнусхоннинг хотини Шохбегимдир. Унинг тақдирини синчилаб кузатсак, у ҳам Бадахшон хонлари ва те-мурий шахзодаларнинг дипло-матик муносабатлари гирдо-бига тушганини кўрамиз.

дахшон ҳокими, ҳам Тошкент хони билан қариндошлик риш-тасини боғлашга интилган. Бундан қўзланган муддао эса сиёсий маъқолини мустаҳкам-лаш, ҳисобсиз муҳорабалардан чарчаган халқ ва аскар-ларга имкон қадар дам бериш эди: «Хоннинг (яъни, Юнусхон-нинг — Х.К.) яна бир хотуни Шохбегим эди, агарчи ўзга хо-тунилар ҳам бор эди, вале ўғлонлар ва қизларнинг она-лари бу икки эди. Шохбегим Бадахшон шохи Шох Султон Муҳаммаднинг қизи эди. Бу Бадахшон шохлари насаблар-ини Исқандар Файлақуша ётар дерлар. Бу шохнинг яна бир қизиким, Шохбегимнинг эгачиси бўлмай, Султон Абу-сайид милод олиб эди. Андин Абоабак милод бўлб эди».

Фикримиз исботи учун Бобурнинг яна бир синглиси Рукья Султонбегимнинг тақдирини олиб кўрайлик. Бобур Хисор учун жанг олиб бораёт-ган пайтда Рукья Султонбегим Жонибек Султонга асир туша-

ди. Бадахшон шохи Султон Му-хаммаднинг қизи бўлмиш Шох-бегимни Тошкент ҳокими Юнусхон ўзининг никоҳига олади. Бу эса Тошкент хонла-рига Бадахшонда муқим сиё-сат юргизишга маълум дара-жада асос бўлади. Масаланин-бошқа томони, Бадахшон шох-лари ўз насабларини шох Ис-қандарга нисбат берганлар.

Инсон хотираси — азиз

«БУ ҚУШЛАР БАРИ БИР ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ...»

Тахририятда ишлаган кезларимда оддийгина кийинган камтарин бир киз ёзган ашёрларини кутариб камсуқумлик билан хузуримга кириб келдида: «Агар газетангиз талабига жавоб берса...» деб ийманибгина турарди. Бу шоира Замира Эгамбердиева эди.

У, шерият оламига атак-чек қилиб кириб келди. Кейинчалик газета-журналлар саҳифаларида тез-тез кўрина бошлади. Ёш шоира-нинг ўзига хос забони, йўли, дунёқараши бор эди менин назаримда.

«Осмони тўлдириб турналар учар, Пастда қолиб кетар шамоллар — дайди. Уларнинг кетидан нигоҳим чопар, Бу қушлар бари бир ортга қайтмайди...»

«Бурро бўлиб чиқди қизимнинг тили, Уни тинглай туриб ҳайратим ортар. Аяжон, бир қаранг, Кўёш галати, Ўзи ҳеч йиғламай, бизни йиғлатар...»

«Парвозда қаноти лат еган қушман, Сен озор бермасдан бағринга олсин. Унутма, унутма, мен фақат тушман — Севғишим, сен менинг Ватаним бўғин!»

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили



Наманган вилоятида кейинги йилларда оналар ва болалар сало-матлигини муҳофазалаш борасида муайян ишлар амалга оширил-моқда. Вилоят марказидаги 1-турмухона мажмуида чакалокнинг соғлом дунёга келишини таъминлаш учун барча шароитлар яратил-ган. Биолог таъмирланиб, тиббий асбоб-ускуналар, замонавий таъшиш ва даволаш ускуналари мажму.


Суратда: ҳамшира Гузал Жўраева ва катта ҳамшира Уктам Муминова иш устида. Х.МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Тил — миллат кўзгуси

Бундан ўн олти йил аввал ўзбек тилига Давлат тили мако-ми берилиши халқимизнинг ас-рий орзуларидан бирини рўйбга чиқарган бўлса, соҳа олимлари-нинг олдида ҳам бир талай ва-зифаларни қўйганди. Улардан бири — она тилимизнинг софли-гини сақлаш ва уни бойитишдан иборат эди. Ҳақиқий ўзбек тили атамаларини излаш ва уларни илмий жиҳатдан асослаш эса биргина техника соҳасида, жум-ладан қурилиш йўналишида тўғри қўлаш ҳам катта аҳамият касб этади.

Шу ўринда қисқача техник атамалар ҳақида мулоҳаза юритсак. Аввало, техник атамалар муаммоси математика, фи-зика, кимё сингари фундамен-тал фанлар соҳасида озми-кўли хал этилган. Шунингдек, назарий механика, материаллар қаршилиги, эластиклик назария-си, қурилиш механикаси сингари техникага доир фанларда ҳам талайгина ютуқларга эри-шилди. Аммо, ҳозирга келиб қурилишнинг барча соҳалари, хусусан қурилиш ашёлари, са-нитария-техника, ер ости кури-лиши, оддий ва фазовий кури-лиш ечимлари технологиясига доир йўналишларда ўзбекча атамалар устида ишлаш, тили-мизнинг софлигини таъминлаш бўйича изланишлар олиб бо-ришни давр тақозо этмоқда. Бугун тилимизда қурилиш со-

ОММАВИЙ КУРАШ ВА ТОМОШАБИН



Миллий курашимизнинг дунёда халқро спорт тури сифатида расман тан олинганига етти йил бўлди. Ўтган қисқа давр ичида кураш тарихида мисли кўрилмаган ишлар амал-га оширилди. 1998 йил 6 сентябрь — ўзбек миллий курашининг дунёга юз тутган куни саналади. Айнан шу кун Тошкентда Европа, Осиё ва Америка қитъасининг 28 давлати ва-киллари иштирокида Кураш халқро ассоци-ацияси ташкил этилди. КХА курашни дунё бўйича ривожлантирувчи халқро спорт таш-килоти саналади.

УЧРАШУВ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Маълумки, футбол бўйича жаҳон чемпионатининг Осиё плей-офф саралаш учрашуви-да майдонга тушган Ўзбекистон — Бахрайн ўйинининг 38-дақиқасида япониялик ҳакам Томишицу Йошида май-дон эгаси Сервер Жепаров томонидан дарвозага йўллан-ган 11 метри жарима тўпини бекор қилган эди.

МАЙК ТАЙСОН МОСКВАДА

Машҳур америкалик боксчи Майк Тайсон Одес-са, Крым, Киев шаҳарларига қилган сафаридан кейин Москвага келди. У Россиянинг сўл демок-ратик партияси раҳбари Владимир Жириновский билан учрашмоқчи эканини маълум қилди. Авва-лига мазкур партиянинг матбуот хизмати хабари бўйича учрашув сешанба кун соат 17.00 га бел-гиланган эди. Кейинчалик учрашувни Давлат ду-

ҲАР НАРСАНИНГ ЎЗ НОМИ БОР

етиб келган пардозбоб девор ашёлари, Шаҳрисабдаги Окса-рой ва унинг томига қурилган ховуз конструкциялари ҳатто фарб қурувчи ва олимларини ҳам ҳайратга солган ва солмоқда. Шундай экан, техника соҳасида-ги тарихий атамалар билан кенг омма таништирилса ва ҳозирги айрим байналмилал атамаларни ўрнида ишлатсак, қурилишга доир тарихимизнинг ўрганиш қа-то-рида у қанчалик бую эканлиги-дан ўқувчиларни хабардор қил-ган бўламиз.

Маълумки, тил йиллар даво-мида тақомиллашиб, бойиб бо-уради. Бундай қонуний ўзгариш атамаларга ҳам хос. Чунки дунё техника тараққиётида шундай тезкор равожланиш юз бермоқ-

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHIRIY HAY'ATI: Abdulla O'RPOV, Asliddin RUSTAMOV, Latif G'ULOMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Farruh HAMROYEV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI; BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR; SAHIFALOVCHI-DASTURCHI: Ikromjon ISMOILOV; Sotuvda erkin narxda.